




Vaziyat

2023 йил
18 май
№ 20 (909)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган



ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Қирғиз Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири Бообек Ажикеев Ўзбекистонга келди. Меҳмон, аввало, ҳамкасби Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири генерал-майор Абдулла Қўлдошев билан учрашди.

Норасмий мулоқотдан сўнг икки давлат қутқарув идоралари раҳбарлари трансчегаравий фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда ҳамкорлик қилиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқладилар.

Мазкур ҳужжат 9 банддан иборат бўлиб, ундан қўшма машғулотлар, семинарлар, ахборот алмашиш тизимини такомиллаштириш ва бу борадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар жой олган.

ФВВ Матбуот хизмати.



ВАЗИР ВА ЁШЛАР

Фавқулодда вазиятлар вазири генерал-майор А.Қўлдошев вазирлик Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтида Мирзо Улуғбек ва Яшнобод туманларида истиқомат қилувчи ўзига бириктирилган 40 нафар ёш билан учрашди.



Учрашувда ёшлар билан суҳбат олиб борилиб, уларнинг истаклари ва муаммолари тингланди. Ёшлар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар бўйича масъулларга тегишли топшириқлар берилиб, ижроси назоратга олинди.

Тадбир якунида ёшлар учун институтга экскурсия уюштирилиб, "Симуляция маркази"да ташкил этилган "Зилзила тарихи" музейи, Зилзила симулятори,

ёнгин хавфсизлиги ва биринчи ёрдам тренажёрлари ҳамда бошқа фавқулодда вазиятлар шароитида тўғри ҳаракат қилишга тайёрловчи замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган хоналар таништирилди.

Амалий ҳаракатлар орқали ёшлар фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш кўникмаларига эга бўлдилар.

ФВВ Матбуот хизмати.





Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида "Уч авлод учрашуви" ўтказилди.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Чирчиқ ҳарбий прокуратураси, Чирчиқ шаҳар маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, Мудофаа вазирлиги ҳузурдаги жамоатчилик кенгаши Тошкент вилояти ҳудудий бўлинмаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Чирчиқ ҳарбий прокуратураси масъул ходимлари, Қуролли Кучларимиз сафида бир неча йиллар самарали хизмат қилиб ҳозирда нафақада бўлган фахрий офицерлар, давлат мукофоти совриндорлари, шунингдек, Тошкент вилояти туман ва шаҳар таълим муассасаларининг "Ватан таянчи" отрядлари аъзолари иштирок этди.

Кўтаринки руҳда кечган тадбирда ёшлар хизмат мажбуриятлари, муддатли ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига бериладиган имтиёзлар ҳақида зарур маълумотларга эга бўлишди.

Тадбир давомида намунали ва фидойи ўқувчи-ёшлар муносиб тақдирландилар.

Шунингдек, иштирокчилар билим юртида ташкил этилган музей ҳамда курсантлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишишди.

Султанмурад КАЛЕНДЕРОВ,
Чирчиқ ҳарбий прокурори ёрдамчиси,
адлия подполковниги.

MUAMMOLAR HAL QILINDI

Guliston harbiy prokurori, viloyat FVB rahbariyati va mutasaddi tashkilotlarning mas'ul xodimlari hamkorligida sayyor qabul o'tkazildi. Unda Boyovut tumani FV bo'limi xodimlari, ularning oila a'zolari va keng jamoatchilik vakillari qatnashdi.



Qabul davomida 23 ta og'zaki murojaat qabul qilinib, shularning 5 tasiga joyida yechim topildi 12 tasiga qonuniy tushuntirish berilib, o'rganish uchun qo'shimcha vaqt talab etadigan 6 ta murojaat nazoratga olingan holda tegishli idoralarga yo'naltirildi.

Bulardan tashqari, yoshlardan ishga joylashish tadbirkorlik bilan shug'ullanish, oliy ta'lim dargohlarida o'qishni davom ettirishga oid fikrlar tinglanib, zarur maslahat va amaliy yordamlar berildi.

Ashurali ARIPJANOV,
Sirdaryo viloyati FVB bo'lim bosh inspektori,
mayor.

Ravshan JALILOV,
Guliston harbiy prokurori, adliya
podpolkovnigi.

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Инсоннинг ҳаётини асраб қолиш кўпинча қон қуйиш жараёни билан боғлиқ. Қон эса кимё лабораторияларида ишлаб чиқилмайди, у инсон организмидаги бебаҳо неъмат. Фақат яхши инсонларнинг ёрдами билангина оғир аҳволдаги беморларни ҳаётга қайтариш, уларнинг умрига умр қўшиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ва Тошкент ҳарбий прокуратураси ходимлари ана шундай эзгу анъанани муносиб давом эттирган ҳолда, болалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда кам таъминланганлар саломатлигини яхшилашга қаратилган "Мен донорман!" хайрия қон топшириш акциясида фаол қатнашдилар.

Улуғбек ДАУБАЕВ,
Республика Ҳарбий прокурори ёрдамчиси,
адлия капитани.



ПРОФИЛАКТИКА

Бухоро ҳарбий прокуратураси томонидан вилоят ФВБ шахсий таркиби иштирокида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда уларнинг кафолатига бағишланган профилактик тадбирлар ўтказиб келинмоқда.



Жиноят ва жазо

ЎҒРИ

Х.Б. ҳали 30 ёшга ҳам тўлмаган. Аммо у ҳалол меҳнат қилиб, даромад топиш ўрнига ўғриликни "касб" қилгани ва бошқа қилмишлари боис, илгари судланган.

Кўзнинг ажойиб кунларидан бирида у тергов ва суддан яширинган шахс билан олдиндан тил бириктириб, ярим тундан тонггача бўлган вақт оралигида Яққасарой тумани Муқимий 1-тор кўчасида қаровсиз қолдирилган "Damas" русумли автомобилнинг орқа эшик ойнасини темир билан очади. Салонни титқилаб, ҳеч қандай пул ёки буюм топа олмай воқеа жойидан яширинган.

Бундан ташқари, Х.Б. ўзгалар мол-мулкини яширин равишда талон-тароғ қилиш мақсадида шерипи билан ўша куни

тонгга яқин Тадбиркор 1-тор кўчасида эгаси томонидан қаровсиз қолдирилган "Damas" нинг эшигини очиб, салондан 72.000 сўм пулни ўғирлаб, жуфтаси ростлайди. Х.Б. яна "ов" ини давом эттириб, Жамбул 1-тор кўчасида қаровсиз қолдирилган "Damas" ни "нишон"га олади. Аммо машинадан ҳеч нарса топа олишмайди. Шу кўчадаги яна бир "Damas"нинг эшигини очиб, автомашинани эгасининг 400000 сўм пулини яширин равишда олиб, кўздан ғойиб бўлишади. Улар қора қилмишларини давом эттириб, яна уч "Damas" ни титқилашади. Иккитасидан "курук" қолишган бўлса, учинчисидан 3.800.000 сўм пулни ўғирлашади. Шундай қилиб, Х.Б. шерипи билан 7 та "Damas" нинг ойна ва эшикларини очиб, бирга жиноят содир этган.

Х.Б. муқаддам шу турдаги жиноятни содир этиб судланган бўлса-да, ўзига тегишли ҳулоса чиқармаган. Белгиланган жазони ўташ даврида қасддан яна жино-

ят содир этиш йўлига кирган. Суд қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, жабрланувчиларга етказилган моддий зарар қопланмаганлигини эътиборга олиб, унга Ж.К.нинг тегишли моддалари санкциясида назарда тутилган озоқликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ҳамда жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 2017 йил 3 октябрдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмаган қисmini қисман қўшиш йўли билан узил-кесил беш йил уч ой муддатга озоқликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Енгил-елпи ҳаётга ўрганган, или олиб ҳунар эгаллашга бўйин бермаган йилги бугун қамоқда ўтирибди. Агарда у тенгдошлари қатори ўқиб-ўрганганда эди, бирор-бир касб орқасидан ҳалол даромад топган бўларди.

Хусанбой ПАРПИЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Яққасарой туман судининг
судьяси.



Фарғона ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Фарғона ҳарбий госпитали ҳамкорлигида Фарғона тумани "Қўрғонтепа" маҳалласидаги силавий шифокорлик пунктида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилди.

ТИББИЙ КЎРИК

Унга терапевт, хирург, педиатр, окулист, лор. гинеколог, травматолог (ортопед), невропатолог каби малакали шифокор мутахассислар ҳамда махсус техник воситалар жалб этилди.

Кўрик давомида маҳалла аҳолисига тиббий маслаҳатлар берилиб, зарурни дори

воситалари тарқатилди. Шифокорлар томонидан бепул тиббий муолажалар ўтказилиб, оналар билан фарзандларнинг соғлиғи юзасидан яқка тартибда суҳбатлар олиб борилди.

Шерзод САИДОВ,
Фарғона ҳарбий прокурори, адлия полковниги.

ИЛЛАТГА ҚАРШИ

Наманган вилояти ФВБда “Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда менинг бошқармам коррупциядан холи ҳудуд” мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда Наманган ҳарбий прокурори Давлатёр Раҳмонов тизим ходимлари орасида коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳусусида тўхталиб, ўз фикр фикр-мулоҳазаларини билдирди.



Учрашувда вилоят ФВБ бошлиғи генерал-майор Қосимали Аҳмедов коррупцияга қарши курашиш, аввало, халқимизнинг фаровон турмуш даражасини оширишини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг бошқарма шахсий хавфсизлик бўлими бошлиғи Абдуҷаббор Мўминов томонидан шахсий таркибга қонун устувор.


жазо муқаррарлиги айтилиб, қонун доирасида хизмат олиб бориш бўйича қўшимча йўриқнома берилди.

Икром УЛКАНБОЕВ,
Наманган ҳарбий прокурори ўринбосари, адлия майори.

Авазбек ИБРАГИМОВ,
Наманган вилояти ФВБ шахсий хавфсизлик бўлими ходими, подполковник.

HUQUQIY SAVODXONLIK

FVV Shaxsiy xavfsizlik boshqarmasi bosh inspektori adliya mayori Sh.Karimov, Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi shaxsiy tarkibi va O'zbekiston Respublikasi harbiy prokuraturasi bo'lim prokurori adliya kapitani X.Ismadiyarovlar ishtirokida “Korrupsiya – taraqqiyot kushandasi” mavzusida davra suhbatlari tashkil etildi.



Tadbir davomida O'zbekiston Respublikasi JKning pora bilan bog'liq moddalari, firibgarlik, tamagirlik, tovlamachilik hamda harbiy xizmatni o'tash tartibiga qarshi jinoyatchilik va ushbu holatlarga nisbatan qonunda belgilangan javobgarlik choralarini haqida tushuntirib o'tildi.

I.KAJANOV,
tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar bo'limi OAV bilan ishlash bo'yicha katta texnik, oddiy askar.

ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

Оҳангарон шаҳар ФВ бўлими диспетчерлик хизматида “Бўстон” маҳалласида яшовчи фуқаро Д.З. томонидан яшаш уйи билан қўшни хонадоннинг деворлари оралиқ қисмига бир бош қўй кириб қисилиб қолганлиги ҳақида хабар тушди.

Воқеа жойига бўлим кутқарувчилари жалб қилиниб, қўй томорқанинг пастки қисмидаги қўшни хонадон билан ёнма-ён жойлашган икки девор орасидан чиқарилди ва хонадон эгаларига топширилди.

Жамол ТОШБОЕВ,
Оҳангарон шаҳар ФВ бўлими бўлинича бошлиғи, лейтенант.



“Қамчиқ” махсус қидирув, ёнгин-қутқарув бошқармаси ёнгин-қутқарув отрядида “Очиқ эшиклар куни” тадбири бўлиб ўтди.

“ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ”

Унга Наманган вилояти Поп тумани Резак қишлоғидаги 44-умумтаълим мактаби ўқувчилари жалб қилиниб, меҳмонлар ёнгин-қутқарув отрядида кутқарувчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

Амалий машғулот давомида ўқувчилар ёнгинни бартараф қилиш усуллари ҳақида билиб олдилар.

Ш.АБДУСАТТОРОВА,
“Қамчиқ” МҚКҚБ етакчи мутахассиси.

AMALIY SEMINAR

Kitob tumanidagi 10-musiq va san'at maktabida yong'in xavfsizligini ta'minlash, is gazidan zaharlanish, chaqnash va suvda cho'kish bilan bog'liq baxtsiz hodisalarning oldini olish bo'yicha amaliy seminar o'tkazildi.



Tadbir davomida xonadonlarda elektr ta'minoti va gaz plitalaridan ehtiyot bo'lib foydalanish, o'choq va tandirdan foydalanganda nazoratsiz qolishiga yo'l qoymaslik tushuntirildi.

Belgilanmagan suv havzalari, ya'ni daryo, kanal, suv hovuzlari va

boshqa suv havzalarida cho'milmaslik bo'yicha tushuntirish ishlari olib borildi va seminar qatnashchilariga eslatma va bukletlar tarqatildi.

Aktam DURASHIDOV,
Kitob tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i, katta leytenant.

МА'РИФАТ ДАРСИ

Qashqadaryo viloyati FVB shaxsiy tarkibi ish-tirokida “Jamiyat hayotining tanasi iqtisodiyot bo'lsa, uning joni va ruhi ma'naviyatdir” mavzusida ma'naviyat va ma'rifat mashg'uloti o'tkazildi.

Tadbir davomida QarDu Milliy go'ya va ma'naviyat kafedrasida dotsenti, falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori D.Sunnatov ma'ruza qildi.

Shundan so'ng bir guruh harbiy xizmatchilarga navbatdagi harbiy unvonlar topshirildi va tizimda yillar davomida uzoq hamda samarali xizmat qilib, o'zining qat'iyati va fidoyiligi bilan yosh kadrlarga o'rnak bo'la olgan boshqarma bo'lim boshlig'i podpolkovnik Sohib Ravshanov tantanali ravishda nafaqaga kuzatildi.

Qashqadaryo viloyati FVB matbuot xizmati.



МАРОҚЛИ СУҲБАТ

Оҳангарон туманидаги 54-умумтаълим мактабида ўтказилган “Офицерлик ва кутқарувчилик мардлар касби” шиори остида ўтказилган учрашувда кутқарувчилар ўқувчилар томонидан берил-

ган барча саволларга жавоб бериб, уларнинг бу шарафли касбга бўлган қизиқишларини янада орттирдилар.

У.НОРБОЕВ,
“Қамчиқ” МҚКҚБ гуруҳ командири, лейтенант.



ҲАЙДОВЧИЛАРГА ЭСЛАТМА

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида рўйхатга олинган ёнгинларнинг ўртача 5 фоизи автомобилларда содир бўлган ёнгинлардир. Сўнгги йилларни таққослайдиган бўлсак, автомобиллардаги ёнгинлар 2021 йилда 50 та, 2022 йилда 58 та, 2023 йил ўтган 4 ойнинг ўзида 28 тага тўғри келган.

Терговолди текширув ҳамда экспертиза хулосаларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, ҳайдовчилар томонидан техник кўрикларнинг ўз вақтида ўтказилмаслиги, автотранспорт воситаларини безатиш, ўзбошимчилик билан қайта ва қўшимча жиҳозлашда электр симларини белгиланган меъёрларга амал қилинмасдан тўғридан-тўғри, пайвандлаш мосламасисиз, бириктирувчи адаптерсиз ўрнатилиши, ўз навбатида, электр тизимида юкланишларнинг ортиши ва бунинг оқибатида электр симларининг қизиши автомобилларда ёнгин ҳодисаларини юзага келтирмоқда.

Автотранспортда ёнгин тарқалиши уйлардаги ёнгинларга қараганда, бир неча баробар тезроқдир. Бутун жараён бир неча сониядан 2-3 дақиқача давом этади. Шунинг учун ҳайдовчи ва йўловчиларнинг соғлиғи ёнгин ўчирувчиларнинг ҳаракатларига эмас, балки транспортда ёнгин содир бўлганда ўзини тутиш қоидаларига риоя этишга боғлиқ.

Автотранспортларга ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш жараёнида қўшимча ўзгартиришлар киритилаётганда, маҳсулот “бренд” талабларига асосан, кўрсатмадаги йўриқномасига кўра ўрнатилиши ҳамда махсус автосервисларда малакали ва тажрибали мутахассислар томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Автомобиль ҳаракатлини кетаётганда ёнгин содир бўлса, уни тўхтатиш ва двигателни ўт олдиригичдан ўчириш зарур.

Ёнгин юзага келганда, мавжуд бирламчи воситалар орқали ўчиришга ҳаракат қилиш ҳамда “101” ва “1050” қисқа рақамларига қўнғироқ қилиб, аниқ манзил ва автоулов русуми ҳақида хабар бериш лозим.

Ўт ўчиргич биринчи тиббий ёрдам тўплами билан биргаликда ёнгин автомобиль саломи ёки юкхонасида, микроавтобусда – ҳайдовчи учун қулай жойда сақланади. Автобусда иккита ўт ўчиргич бўлиши керак – ҳайдовчи кабинасида ва йўловчилар саломида. Йирик ва ўрта автобусларда ойналарни синдириш учун болғача ҳам бўлиши лозим.

Юқоридагиларга амал қилар эканмиз, бошқарётган автомобилимизда ёнгин билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олган бўламиз.

З.АБДУЛЛАЕВ, Ж.ЖОВЛИЕВ,
Тошкент шаҳар ФВБ Тезкор бошқарув маркази ходимлари.

Farg'ona viloyati FVB va mutasaddi tashkilotlar ishtirokida Qo'qon mintaqaviy temir yo'l uzeli davomida favqulodda vaziyatlar va yong'inlarni bartaraf etish, kuch va vositalarni boshqarish, jabrlanganlarni qutqarish, ularga birinchi tibbiy yordam ko'rsatish, yo'lovchilarni xavfsiz hududlarga evakuatsiya qilish bo'yicha maxsus-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.

TEMIR YO'L UZELIDA



Mazkur tadbir FVV Favqulodda vaziyatlarida harakat qilish va boshqarish Milliy markazi boshlig'i polkovnik S.Abdurahmonov hamda Andijon, Namangan viloyatlari va Toshkent shahar Favqulodda vaziyatlar boshqarmalari Tezkor boshqaruv markazlari xodimlari tomonidan kuzatib borildi.

A.ALIJONOV,
Farg'ona viloyati FVB OAV va JTBHQG boshlig'i, katta leytenant.

МАҲОРАТ СИНОВИ

Qashqadaryo viloyati FVB va tuman FVDT xizmatlari hamkorligida Dehqonobod tumani temir yo'l stantsiyasida "Tabiiy va texnologiya tushadigan favqulodda vaziyatlar oqibatlarini bartaraf etishda FVDT xizmatlarining hamkorlikdagi harakatlari" mavzusida kursgazmali maxsus-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.

O'quv mashqi davomida jabrlanganlarni qutqarish, tez tibbiy yordam ko'rsatish, yong'inlarni bartaraf etish, elektr va gaz tarmoqlarida yuzaga kelgan nosozliklarni bartaraf etish, sanitariya-dezinfektsiya ishlari amalga oshirildi.

Xusnidin AZIZOV, Dehqonobod tumani FVDT b'limi b'linma boshlig'i, podpolkovnik.

Utkirbek YULDAШEV, b'linma boshlig'i, mayor.

MALAKALAR MUSTAHKAMLANDI

"Dehqonobod kaliy zavodi" AJ tog'-kon majmuasining 250 metr chuqurlikda joylashgan shaxtasida o'quv mashqi o'tkazildi. Mashg'ulot rejasiga ko'ra, qo'shni respublikalardan birida sodir bo'lgan zilzila oqibatida AJning tog'-kon majmuasi hamda mazkur majmua shaxtasining 250 metr chuqurlikda joylashgan 7-zboykasida avariya holatlari yuzaga kelgan.



Mashq davomida tuman FVDT hamda DKUZ AJ boshqaruv organlari kuch va vositalari sodir bo'lgan yong'inni o'chirish, tog' jinslari uyumi ostida qolgan ishchilarni qidirish va olib chiqish, birinchi tibbiy yordam ko'rsatish, suv bosgan hududda qolgan jabrlanganlarni qutqarish, metan alanganishi natijasida jabrlangan ishchiga yordam ko'rsatish harakatlarini amalda bajarishdi.

Husan BOBONOV,
Qashqadaryo viloyati FVB boshlig'ining birinchi o'rinbosari, polkovnik.

МАХСУС ЎҚУВ

A-373 "Toshkent-Yul" avtomobil yo'lining 235 km.da joylashgan "Rezak" kuyruqi hududida maxsus-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.

Dastlab, mashq ishtirokchilari bilan favqulodda vaziyatlar masalasi yuzasidan nazariy bilimlar, fuqaro muhofazasi sohasida "Qamchiqavtoyul" IIFUK tomonidan ishlab chiqilgan hujjatlar o'rganib chiqildi.

Amaliy qismda esa avtomobil yo'lining "Qamchiq" tunnelida harakatlantirib ketilgan engil avtomobil haydovchisi boshqaruvni yo'qotib, kuyruk elementlarini buzib, so'ng

tuшиб ketishi natijasida kelib chiqqan yong'in oqibatlarini bartaraf etish, yo'lovchilarni evakuatsiya qilish hamda shikastlangan transport vositasini xavfli hududdan chiqarish b'yiicha amaliy harakatlar k'rib chiqildi.

M.DARXONOV, "Qamchiq" MKEQB boshlig'ining 1-uribosari, podpolkovnik.
SH.ABDUSATTOROVA, etakchi mutaxassis.



MUSOBAQA

Farg'ona viloyatida "Yosh qutqaruvchi" musobaqasining viloyat bosqichi o'tkazildi.

Unda umumta'lim maktablarining 19 ta, kasb-hunar maktablaridan 8 ta jamoa ishtirok etib, 4 ta shart bo'yicha o'zaro bellashdilar.

Yakuniy natijalarga ko'ra, umumta'lim maktablari o'rtasida 1-o'rin Quvasoy shahar 1-umumta'lim maktabining "Matonat" jamoasiga, kasb-hunar maktablari o'rtasida 1-o'rin So'x tumani 2-kasb-hunar maktabining "Xalokor" jamoasiga nasib etdi.

Shuningdek, qator jamoalar sovrinli o'rinlarni qo'lga kiritdilar.

G'olib va sovrindor jamoalar, tadbirida faol ishtirok etgan yoshlarga esdalik sovg'alari hamda faxriy yorliqlar topshirildi.

Ahliiddin ALIJONOV, Farg'ona viloyati FVB OAV va JTBHQG boshlig'i, katta leytenant.

МАКТАБДА MASHG'ULOT

Olmazor tumani 191-umumta'lim maktabida zilzila vaqtida harakat qilish va jabrlanganlarga birinchi tibbiy yordam ko'rsatish yuzasidan amaliy-taktik mashg'ulot o'tkazildi.

Shuningdek, tadbir davomida maktab hududida gaz va elektr toki tarqatish punktlarini o'rganib, ma'lumotnomalar kiritish lozimligi aytib o'tildi.

Muzaffar MURODOV, Olmazor tumani FVDT b'limi inspektori, katta leytenant.



Sirdaryo viloyatidagi "Oqolting don mahsulotlari" AJda favqulodda vaziyatlar vaqti o'zida fuqaro muhofazasi tuzilmalari hamda FVDT xizmatlarining hamkorlikdagi harakatlari muvofiqlashtirish va tadbirlar samaradorligini oshirishga oid o'quv mashqi o'tkazildi.

Tadbirning amaliy bosqichida o'quv rejasiga ko'ra, korxonani ishlab chiqarish xehida yong'in sodir bo'lganligi aniqlanib, uni bartaraf etish b'yiicha zarur harakatlar amalga oshirildi.

O'quv mashqi yakuniga barginlangan muhoqamada

ХАМКОРЛИК



amaliy harakatlar k'rib chiqilib, yo'l k'uyilgan kamchiliklarni bartaraf qilish b'yiicha korxonada raqbariyatiga tegishli topshiriqlar berildi.

D.SULAYMONOV, Sirdaryo viloyati FVB axborot xizmati boshlig'i, katta leytenant.
Z.VOXIDJONOV, javobgar ijrochi, katta serjant.

MA'NAVIYAT SOATI



FVV Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi shaxsiy tarkibi va O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi a'zosi B.Haydarov ishtirokida "Jamiyat hayotining tanasi iqtisodiyot bo'lsa, uning joni va ruhi ma'naviyatdir" mavzusida ma'naviy-ma'rifiy dars tashkil etildi.

Tadbir davomida ma'ruzachi hozirgi kundagi ma'naviy xurujlar, internet saytlarida tarqalayotgan ma'lumotlar va ularning oqibatlarini, ularga qarshi kurash to'g'risida ma'lumotlar berdi.

Sh.AHMADALIYEV,

Tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar bo'limi boshlig'i, kapitan.

Xorazm viloyatida yong'in xavfsizligini ta'minlash sohasidagi normativ-texnik yo'nalishda xizmat olib boruvchi mas'ul xodimlar bilan "Shaharsozlik faoliyati sohasida yong'in xavfsizligi" mavzusida seminar o'tkazildi.

SHAHARSOZLIKKA OID

Yig'ilishda eskirgan va o'z ahamiyatini yo'qotgan shaharsozlik normalari va qoidalari qayta ko'rib chiqish hamda bugungi kunda amalga oshirilayotgan islohotlar bilan uyg'unlashtirish, milliy normalarni amaliyotda qo'llash bilan bog'liq muammolarni tahlil qilish orqali takomillashtirish

hamda ularni qurilishga oid xalqaro normativ-texnik hujjatlarga muvofiqlashtirish borasida amalga oshirilayotgan ishlar xususida so'z yuritildi.

Shuningdek, tadbirda normativ-texnik yo'nalishda faoliyat yuritadigan harbiy xizmatchilarning bilim va ko'nikmalarini oshirish, o'zaro

tajriba almashish, shaharsozlik sohasidagi yong'in xavfsizligiga oid talablarni maqbullashtirish bo'yicha yaratilayotgan yagona me'yoriy hujjat loyihasi muhokama qilindi.

R.QADAMBOYEV,

Xonqa tumani FV bo'limi

NTB boshlig'i,

katta leytenant.

Buxoro viloyati Qorovulbozor tumanidagi "Janubiy kemachi" konida yong'in hodisalarini bartaraf etish maqsadida 2 dona ichki yong'in o'chirish jo'mraklari mavjud bo'lib, maskan hududida 25 dona kon aylanma suv quvuriga ulangan diametri 150 mm.li yong'in o'chirish suv olgichlari, 6 dona lafet dastaklari va 300 m³.li 2 dona yong'inga qarshi yopiq suv hovuzlari mavjud.

HAYOT DARSLARI

Ushbu kon Buxoro viloyati FVB Muborak NGQChB OBYXTTEB 22-YQQ tomonidan muhofaza qilinadi. Hududda tasdiqlangan rejaga asosan, shaxsiy tarkib va kon ishchi-xizmatchilari ishtirokida yong'in va boshqa tushdagi favqulodda vaziyatlarning oldini olish yuzasidan amaliy-taktik mashq va mashg'ulotlar o'tkazib borilmoqda.

M.SHARIPOV,

Buxoro viloyati FVB Muborak NGQChB OBYXTTEB 22-YQQ smena boshlig'i, kapitan.

KEMA HAYDOVCHILARI UCHUN

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 2-avgustdagi 484-son qaroriga muvofiq asosiy dvigatellari quvvati 55 kVt. va yo'lovchi sig'imi 12 kishidan ortiq bo'lmagan o'ziyurar kemalar, motorlarning quvvati va sonidan qat'i nazar, osma motorli kemalar, suv mototsikllari, yuk ko'tarish qobiliyati 80 registr tonnadan ortiq bo'lmagan o'ziyurmas kemalar, yelkanli kemalar havo bosimi bilan to'ldiriladigan yoki shishiriladigan motorsiz eshkakli qayiqqlar – kichik hajmli kemalar texnik ko'rikdan o'tkazilishi shart deb belgilab qo'yilgan.

Shundan kelib chiqqan holda Kitob tumani FV bo'limi harbiy xizmatchilari tomonidan tumanidagi kichik hajmli kemalari mavjud fuqarolarga kemalardan foydalanishda xavfsizlik qoidalariga

rioya qilish bo'yicha tushuntirish ishlari olib borildi

Aktam ABDURASHIDOV,
Kitob tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i, katta leytenant.



Olmazor tumanidagi 36-umumta'lim maktabida tuman FV bo'limi tomonidan favqulodda vaziyat va zilzila vaqtida harakatlanish, jabrlanganlarga birinchi tibbiy yordam ko'rsatish yuzasidan tadbir bo'lib o'tdi.

MUHIM MAVZUDA

Unda soha xodimlari gaz-havo aralashmasining chaqnashi, nosoz gaz uskunalaridan foydalanmaslik va yong'inlar, botulizmning oldini olish, zilzila vaqtida jabrlanganlarga birinchi tibbiy yordam ko'rsatish to'g'risida tushuntirish ishlari olib bordilar.

Nuriddin G'OPURJONOV,
Olmazor tumani FV bo'limi mutaxassisi, oddiy askar.

RESPUBLIKA MIQYOSIDA

Xorazm viloyatida FVV tashabbusi bilan 3 kunlik o'quv seminari va amaliy mashg'ulotlar tashkil etildi. Shaharsozlik faoliyati sohasida yong'in xavfsizligini ta'minlash mavzusiga bag'ishlangan anjumanda vazirlik tizimida normativ-texnik yo'nalishdagi xizmatchilarning bilim va ko'nikmalarini oshirish, o'zaro tajriba almashish masalalariga e'tibor qaratildi.

Tadbirlar doirasida Turkiya Respublikasining "HIDRO ENERJI ELEKTRIK URETIM SANAYI A.S." kompaniyasi ta'sischi sifatida tashkil qilingan "ODAS ENERJI CA" MChJ xorijiy korxonasi tomonidan Yangiariq tumani qurilish ishlarini bitkazilgan gaz-porshenli elektr stansiyasi hamda Tuproqqala tumanida modernizatsiya qilinayotgan "Uz avto motors" AJ Xorazm viloyati filialida sayyor mashg'ulotlar o'tkazildi.

Seminar yakunida kelgusida bajarilishi lozim bo'lgan maqsad va vazifalar belgilab olindi.

M.ISMAILOV,

Yangiariq tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i, mayor.

QOIDALARGA AMAL QILING!

Tadbirkorlarimizdan savdo do'konlarini qurishda yong'inga qarshi oraliq masofalariga riya etilishi va binoga qoplanadigan materiallarni yonmaydigan qoplamalardan qurishlarini so'raymiz.

Beparvolik fojiasiga olib keladi. Masalan, 2023-yil 20-aprel kuni soat 22 dan 18 daqqa o'tganda Toshkent shahar TBM-ga «101» telefon orqali Sergeli tumani Sergeli-6 mavzesi Yangi Sergeli ko'chasida joylashgan "DOKTOR PROFI" MChJ-da yong'in sodir bo'lganligi to'g'risida 9-YoQQga xabar kelib tushgan. Yong'in sodir bo'lgan joyga 3 ta jangovor bo'linma yuborilgan va yong'in o'chirilgan.

Buni misol qilishdan maqsad shuki, ushbu savdo do'konlari yong'inga qarshi oraliq devorlar bilan ajratilmaganligi natijasida, yong'in bir-biriga o'tib ketib, maydon kengayishiga sabab bo'lgan.

J.XAYRILLAYEV,
Sergeli tumani FV bo'limi inspektori, kapitan.

MAS'ULIYAT VA BURCH

FVV Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi shaxsiy tarkibi va O'zbekiston Respublikasi harbiy prokuraturasi bo'lim boshlig'i adliya mayori S.Choriyev ishtirokida "Harbiy xizmatni o'tash tartibiga qarshi jinoyatlar" mavzusida profilaktik tadbir o'tkazildi.

Unda ayrim holatlarda harbiy xizmatchilar o'rtasida pora bilan bog'liq holatlar kuzatilayotganligi, ushbu harakatlarning oqibati qamoq bilan yakun topayotganligi misollar bilan tushuntirildi. Har bir harbiy xizmatchi va xizmatchi oilasi, Vatani shanini o'ylasa, pora bilan bog'liq holatlarni keltirib chiqarimasligi ta'kidlandi.

Tadbir yakunida adliya mayori S.Choriyev tomonidan harbiy xizmatchilarni qiyanoq muammolarni o'rganish bo'yicha sayyor qabul tashkil etildi.

I.KAJANOV,
Tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar bo'limi OAV bilan ishlash bo'yicha katta texnigi, oddiy askar.



УЧҚУННИНГ ТАЛАФОТИ

«Гулжимли» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Қ.М. кучли шомол бўлаётганига қарамай нон ёпиш учун тандирга олов ёққани оқибатида ундан чиққан учқун молхона том қисмига тушиши натижасида ёнғин содир бўлган ва мулкнинг катта қисми ёниб кетган. Яхшики, ходимлар вақтида етиб бориб, офатнинг олди олинди. Акс ҳолда, ён-атрофдаги кўни-қўшинлар ҳам зарар кўриши мумкин эди.

Ёки 2023 йилнинг апрель ойида «Кенес» овул фуқаролар йиғинига қарашли Бессари овул ҳудудида яшовчи фуқаро С.А. ўз уйи атрофидаги чиқинди ва хас-хашакларни белгиланмаган жойда ёқиши оқибатида хонадони атрофидаги чангалзорнинг катта қисми ёниб кетган ва табиатга кўп миқдорда зарар етказган. Айни пайтда бу иш юзасидан судга даъво аризаси киритилиб, етказилган зарарнинг ўрни қопланди.

Бу сингари кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида «Чимбой тумангаз» ҳамда электр тармоқлари корхоналари билан биргаликда аҳоли турар жойларида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда ва ёнғинга қарши ҳопат текширилиб, аниқланган камчиликлар бўйича тегишли жойларга маълумотлар берилмоқда. Корхона-ташкilotлар, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари, фуқаролар орасида, шунингдек, газета ва телевидение орқали ёнғин хавфсизлигининг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари узлуксиз олиб борилаётган.

Давронбек ЕШНИЯЗОВ,
Чимбой тумани ФВ бўлими бошлиғи
ўринбосари, майор.

АҲОЛИ ОРАСИДА

Янгиқўрган тумани ФВ бўлими томонидан «Охтом» ва «Бешбулоқ» маҳаллаларидаги хонадонлардан 570 таси кўриқдан ўтказилиб, 715 нафар фуқаро билан ёнғин, чақнаш, ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Тушунтириш ишлари давомида ёш болаларни назоратсиз қолдирмаслик, яшаш уйлари том қисмига хашак ва ўтин кўймаслик, ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча йўриқнома-лар берилди.

М.ЭРГАШЕВ,
Янгиқўрган тумани ФВ бўлими
инспектори, капитан.

PILLANI YONG'INDAN SAQLANG!

Changaron tumani FV bo'limi tomonidan "Pilla – 2023" mavsumi davomida fuqarolarga yong'in xavfsizligi qoidalari tushuntirilmog'ida.

Hamkorlikda olib borilayotgan profilaktik uch-rashuvlarda va pilla qurti boqilayotgan xonalarda-gi elektr kabellaridan qoida talablari bo'yicha foy-dalanish, ipak qurti boqilayotgan xonadonlarda qo'lbola elektr plitasidan foydalanmaslik lozimligi eslatilmoqda.

Pilla yetishtirishda ishtirok etayotgan barcha pillakorlar mavsum davomida mashaqqatli mehnat-lar evaziga yetishtirgan hosilni yong'indan saqla-sa, respublikamiz iqtisodi uchun ham o'z hissasini qo'shgan bo'ladi.

Ulug'bek SHERMURATOV,
Changaron tumani FV bo'limi xodimi,
podpolkovnik.

ATTRAKSIONLAR XAVFSIZLIGI

Kitob tumani hokimligi, FV bo'limi har-biy xizmatchilari, elektr tarmoqlari kor-xonasi va Sanoat xavfsizligi davlat qo'mi-tasi Qashqadaryo hududiy boshqarmasi mas'ullari hamkorligida tuman istirohat bog'ida attraksionlarning holati bo'yicha o'rganish ishlari olib borildi.

O'rganishlar davomida fuqarolarga fav-qulodda vaziyatlarning oldini olish bo'yicha tushuncha va ko'rsalmalar berilmoqda.

Aktam ABDURASHIDOV,
Kitob tumani FV bo'limi bo'linma
boshlig'i, katta leytenant.



БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

Қорақалпоғистон Республикаси ФВБ раҳбарияти томонидан бошқарманинг шаҳар ва туманлардаги бўлимларида хизмат олиб бораётган ходимлар фаолияти билан яқиндан танишилиб, уларни қийнаб келаётган муаммо ва камчиликлар ўрганилди.

Ўрганишлар давомида шахсий таркибнинг билим савияси, хизмат шароити ва оилавий муаммоларига аҳамият қаратилди.

Камчиликларни бартараф этиш бўйича бир қатор режалар белгилаб олинди, коррупцияга қарши курашиш ва хизматни олиб боришда одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиш бўйича асосий фикрлар баён этилди.

Ж.ЕСЕНБАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси ФВБ
бошлиғи ўринбосари, майор.



NAZORAT

FVV Davlat yong'in nazoratini tashkil etish bosh boshqar-masi bo'lim boshlig'i B.Sharsidikov tomonidan Buxoro viloya-ti FVB Davlat yong'in nazorati inspektorlariga "E-inspektor" va "E-ma'muriy ish" dasturiy ta'minotlaridan foydalanish va dastur-ga kiritilgan qo'shimcha va yangiliklar yuzasidan amaliy seminar mashg'uloti o'tkazildi.

Shahar, tuman FV bo'limlari boshliqlari, o'rinbosarlari, nor-mativ-texnik bo'linma boshliqlari, profilaktika va nazorat bo'yicha inspektorlar va mutaxassislar ishtirok etgan seminar davomida FVB va uning quyi tizimi xodim-lari tomonidan ma'ruzachilarga xizmat va ish faoliyati davomida mavjud muammolar yuzasidan

savollar berildi va tegishli javoblar olindi.

Zarif MAVLYANOV,
Buxoro viloyati FVB M
va TQTYUB boshlig'i,
podpolkovnik.

Sherzod YARASHEV,
YOP va NB bosh inspektori,
kapitan.



REYD TADBIRLARI

Jizzax viloyati FVB va viloyat Yo'l harakati xavfsizligi boshqarmasi hamkorligida yo'lov-chi tashish faoliyati bilan shug'ullanuvchi haydovchilarga tegishli transport vositalari-ga o'rnatilgan gaz ballonlarining yaroqliligini o'rganish maqsadida nazorat-reyd tadbirlari o'tkazildi.

Shuningdek, transport vositalariga o'rnatilgan muddatini o'tab bo'lgan, yaroqsiz hamda sifat sertifikatiga ega bo'lmagan gaz ballonlari tegishli tartibda foydalanishdan chiqarildi.

Orif MUSTAFOYEV,
Jizzax viloyati FVB bo'lim boshlig'i,
podpolkovnik.

Давлатобод тумани ФВ бўлими томонидан аҳоли турар жойлари, кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғинлар, газ ва ҳаво аралашмасининг чақнаши ҳамда бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига доимо амал қилинишини таъминлаш мақсадида тадбирлар ўтказилди.

МАВСУМ ОЛДИДАН



Ёнғин-қутқарув қисми томонидан тумандаги мавжуд 115 та ер ости сув олгичи туман Сув оқова корхонаси билан биргаликда ўрганилиб, аниқланган носоз ер ости сув олгичларига техник хизмат кўрсатилмоқда.

Ушбу тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида давом эттирилмоқда.

Наманган вилояти ФВБ ахборот хизмати.

Tog' va tog'oldi hududlarida yashaydigan fuqarolar tog'li hududlarda harakatlenganda xavfsizlik qoidalariga amal qilmasligi oqibatida turli tan jarohatlari olish holatlari kuzatilmoqda.

TUSHUNTIRISH

Shunga ko'ra, Kitob tumani FV bo'limi harbiy xizmatchilari tomonidan tog'li hududlarda harakatlanish, himoya asbob-anjomlaridan foydalanish bo'yicha yoshlarga amaliy ko'nikmalar berilib, tushuntirish ishlari olib borildi.

Aktam ABDURASHIDOV,
Kitob tumani FV bo'limi bo'linma
boshlig'i, katta leytenant.

КИТОБГА МЕХР



Китоб илму маърифат, онгу шуур доясидир. Китоб инсоннинг тўғри тафаккур этиши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига ёрдам

беради. Ўзим ҳам туман Ахборот-кутубхона марказида фаолият кўрсатаман. Эҳтимол касбим туфайлими танишларим, ёру дўстларим мени кутубхона бекаси ёки зиё маликаси дея самимий таъриф беришади. Албатта, бу каби сўзларни эшитиб яйраб кетаман.

Кутубхона марказимизга ҳар куни 40-50 дан зиёд китобхонларимиз ташриф буюришади. Улар уй бекалари, зиёлилар ташкилот ходимлари, катта ёшли нуруний отахон ва онахонлар, ўқувчилар ва талабалардир. Айниқса, улар орасида ёшларимиз сони ортиб бораётганлиги мени қувонтиради. Китобхонларимиз бу ердан ўзларига керакли бўлган барча йўналишдаги китобларни топишлари мумкин. Яна шунинг айтиш жоизки, марказимиздан таниқли ёзувчи ва шоирларимизнинг аудио ёзув шаклидаги асарлари ва китоблари ҳам жой олган.

Электрон кутубхонамизда машҳур шеър ва ҳикояларни ҳам ўқиш мумкин. Ижодкор китобхонларимиз ўзларининг ижод намуналаридан электрон кутубхонамизга жойлаштириб боришади. Мен марказимизга аъзо бўлган ёшларимиз билан ҳамсухбат бўлар эканман, улардаги теран фикр, ҳаётга ўз назари билан ёндаша олиш, ҳар бир масала моҳиятини тубдан ҳис эта олишларини кўриб, кўнглим тўлади.

Дарҳақиқат, ёшлар бадий китобларни ўқиганлари сари, улардаги қаҳрамонлардан тарбия олиб, камолга етиб борадилар. Ёмонликдан узоқлашишга, эзгулик сари қадам ташлашга одатланадилар. Фарзандларимизни болаликдан китобга ошно қилар эканмиз, гўёки уларни ҳаётда энг ишончли, садоқатли ва беминнат ёрдамчи дўстга яқинлаштирган бўламиз. Дилбандларимиз у билан абадий дўстлашар эканлар, ҳаёт йўлларида асло қоқилмайдилар.

Умида ТУПЛИЕВА,
Қашқадарё вилояти Нишон тумани
АКМ мутахассиси.



YOSHLAR BILAN ISHLASH

FVV rahbariyati hamda Bekobod shahar FV bo'limi tomonidan shahar hududidagi qizil toifaga kiritilgan yoshlar bilan manzilli ishlar tashkil etilib, hayotda ularning o'z o'rnini topishi hamda muammolarini hal qilishda ko'mak berish maqsadida joylarda o'rganish ishlari olib borilmoqda.

Bunda asosan, qizil toifa ro'yxatida turgan yoshlar bilan ishlashga asosiy e'tibor qaratilmoqda.

A.HAYITBOYEV,
Bekobod shahar FV bo'limi MTB boshlig'i, leytenant.

AVTOMOBILDA YONG'IN

Chiroqchi tumani FV bo'limiga "Choshtepa" MFYda "Vaz-21011" rusumli avtomobil yonayotganligi to'g'risida xabar kelib tushdi.

Unga ko'ra, tezkorlik bilan 1ta yong'in-qutqaruv ekipaji manzilga yetib borgan va yong'in to'liq bartaraf etilgan. Ma'lum bo'lishicha, oq rangli "Vaz-21011" ru-

sumli avtomobil tumanda yashovchi fuqaro A.T. boshqaruvida bo'lgan. Yong'indan avtomobilning motor va salon qismi zararlangan.

Yong'in oqibatida tan jarohati olganlar va halok bo'lganlar yo'q. Hozirda yong'in sabablari va zarari aniqlanmoqda.

Qashqadaryo viloyati FVB matbuot xizmati.

Юнусобод тумани "Юртобод" МФЙдаги 158-умумтаълим мактабида ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда тўғри ҳаракатланиш, ёнгин-қутқарув техникалари ва асбоб-анжомлардан фойдаланиш бўйича учрашув ўтказилди.

ЎҚУВЧИЛАР ИШТИРОКИДА

Учрашув давомида ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлар, уларнинг хавфи ва талафотли оқибатлари ҳақида тушунтиришлар берилиб, амалий машғулотлар ташкиллаштирилди. Машғулотлар якунида фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга оид эслатма материаллари тарқатилди.

Комилхўжа ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Тошкент шаҳар ФВБ ЁХТТЭБ инспектори, капитан.

ЖОЙЛАРДА ТАРФИБОТ

Сергели туманидаги маҳаллалар, таълим муассасалари ҳамда ишлаб чиқариш объектларида ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда тўғри ҳаракатланиш, ёнгин-қутқарув техникалари ва асбоб-анжомлардан фойдаланиш бўйича учрашув, давра суҳбатлари ва кўرғазмалар ташкил қилинмоқда.

Мазкур тадбирлар давомида иштирокчиларга фавқулодда вазиятлар, уларнинг хавфи ва талафотли оқибатлари ҳақида тушунтиришлар берилиб, амалий машғулотлар ташкиллаштирилмоқда.

Умид ЮЛДАШЕВ,
Тошкент шаҳар ФВБ ЁХТТЭБ
бошлиғи, майор.

Сергели туманидаги 104-умумтаълим мактаби ва "Саховат" МФЙда ўқувчи-ёшлар ва фуқаролар иштирокида ёнгин, чақнаш, ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш юзасидан ўрганиш ва тарғибот тадбирлари бўлиб ўтди.

ЎРГАНИШ

Мазкур тадбирлар давомида ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлар улар юзага келганда тўғри ҳаракатланиш қоидалари тушунтирилиб, махсус техника ва асбоб-анжомлар кўрғазмаси ташкил қилинди.

Исроил ҲАФИЗОВ,
Тошкент шаҳар ФВБ ЁХТТЭБ
мутахассиси, оддий аскар.

TAHLIL VA TAVSIYA

Chiroqchi tumanida Qashqadaryo viloyati FVB hamda mutasaddi tashkilotlar bilan o'tkazilayotgan targ'ibot tadbirlari davomida yoz mavsumi bilan bog'liq favqulodda vaziyatlarning oldini olishga asosiy e'tibor qaratilmoqda.

Cho'milish taqirlangan hududlarga maxsus tayyorlangan bannerlar ilinib, javobgar shaxslarga yo'riqnomalar berilmoqda.

Shaxboz BOBOMURODOV,
Qashqadaryo viloyati FVB matbuot xizmati
xodimi.

Bobur ABDUJABBOROV,
Chiroqchi tumani FV bo'limi inspektori, katta
leytenant.

Кўпчилик юқумли касалликларда грипп, ич терлама, қайталама терлама, сариқ касаллиги ёки организмнинг жуда исиб кетиши туфайли офтоб урганда, шунингдек, тана ҳароратининг тез кўтарилиб кетиши ҳаво босимининг пасайиши ҳам бурундан қон кетишига сабаб бўлади. Катталарда бурундан қон кетишига қон босимининг ошиши, яъни гипертензия касаллиги сабаб бўлиши мумкин.



БУРУН НЕГА ҚОНАЙДИ?

Қон одатда тўсатдан бошланади. Баъзан қон оқишидан олдин одамнинг боши оғриб, бури кичийди, кулоғи шангиллайди. Қон ўз-ўзидан тўхташи мумкин аммо узоқ вақт тўхтамаса беморнинг дармони қуриб ҳушидан кетиб қолиши мумкин. Бурун қонаганда беморни ваҳима қилмай тинчлантириш зарур. Чунки бемор ваҳимага тушиб юраги ўйнаб, қон босими кўтарилиб кетиши, ҳатто кўрққанидан ҳушидан кетиб қолиши мумкин. Бурун қонаганда чуқур-чуқур нафас олиш, бурундан нафас олиб оғиздан чиқариш зарур. Беморни ўтиргизиш, бошини бироз пастга қилиш керак. Ётган бўлса, боши тагидан

ёстиқни олиб қўйиб, оёқларини баланд кўтариб қўйиш ман этилади. Беморнинг бошини орқага эгиш ҳам тавсия этилмайди, чунки бундай ҳолда бўйиндаги вена қон томирларидан қонни паски гомонга йўналиши қийинлашади, натижада бурундан қон оқиши кучаяди. Бурун қонаганда бошни бапандроқ қилиб, бурун қанотини бурун тўсиғи томон қисиб туриши керак. Агарда бу ёрдам бермаса, бир бўлак пахтани қуруқлигича бурунга тиқиб қўйилади. Бундан ташқари, яхна ўраб, оёққа иссиқ грелка қўйиш тавсия этилади. Бурунга водород перикс эритмаси билан намланган стерил пахта қўйса ҳам

бўлади. Бурун қонаганда зудлик билан шифокор мутахассисига бориш керак. Акс ҳолда оғир асоратлар пайдо бўлади. Бурун қонаганда иссиқ овқат ейиш, иссиқ ачиқ чой, қаҳва, какао ичиш мумкин эмас, чунки бунда қон босими ошиб, қон томир деворлари кенгайиб кетади.

Витаминларга, оксил моддаларга бой овқатларни бериш зарур. Чапа қовурилган жигар, товук шўрваси, турпи мевапарнинг шарбати яхши

Б.ИСРОИЛОВ,
"Қамчиқ" МҚҲҚБ
АҚО фельдшери,
катта сержант.



ТУМАН КУТУБХОНАСИГА ШОИР ТУҲФАСИ



Президентимиз умумхалқ ҳаракатига айлантирган оммавий китобхонлик ташаббуси, айниқса, "Қадрдон мактабимга китоб совға қиламан!" шиори остидаги эзгу даъват таниқли шоир, истеъфодаги полковник Зикрилла Неъматга ҳам қанот бағишлади. Мана, бир неча йилдирки, ижод-

кор ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаб келмоқда. У ҳар йили қайси шаҳар ва туманда ижодий сафар билан бормасин, албатта, ўз ижод намуналаридан китобдаста тайёрлаб боради. Сахийқалб шоир ўтган йили ўзи ўқиган 36-сонли мактабга элликдан ортиқ китобларидан совға қилган эди.

Бу йил ҳам шоир ва унинг бир гуруҳ адиб дўстлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари – "Шарқ юлдузи" ва "Звезда Востока" журналлари бош муҳаррири Сирожиiddин Рауф, таниқли шоир, журналист, драматург ва таржимон Чоршаъм Рўзиевлар билан биргаликда Ёждувон туманидаги Ахборот кутубхона марказида бўлиб, ёшлар билан мароқли суҳбат ташкил этдилар. Албатта, ижодкорлар қуруқ қўл билан боришмади.

Тадбирда шоирлар ёшларга ўз босиб ўтган ҳаёт йўллари, қийинчилик ва машаққатлари ҳақида сўзлаб беришди ва ўз қаламларига мансуб бўлган шеърлардан намуналар ўқидилар.

– Тадбир қизиқарли, қизгин баҳсларга, савол-жавобларга бой тарзда ўтди, – дейди туман Ахборот-кутубхона маркази директори Дилдора Муҳаммедова. – Тақдиротдан сўнг, шоир Зикрилла Неъмат ўзининг "Мангу қўшиғимсан, Ватан", "Вафо байтин битайлик", "Навоийдан наво истаб", "Бобомдан мерос боғлар", "Қатагон ўпқони", "Бухорони соғинмай бўлмас", "Жирафа нечун хафа?!", "Оламни англа, болам!" номли китобларидан юз донасини кутубхонамизга совға қилди.

Мирзоқул АҲАДОВ,
Бухоро вилояти.

ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР

Смартфон ва планшетлар инсон терисига яқин тургани боис, зиён етказишга улғурди ва фойдаланувчисига ажинлар пайдо қилади. Ушбу нур терининг эпидермал ва дермал ҳужайраларига тезда таъсир кўрсатади, ДНК тўқималарини зарарлаб, коллаген ва эластин мувозанатини бузади. Бу эса эрта қаришга олиб келади.

Селфи сўзини биринчи марта 2002 йилда австралиялик фуқаро Нейтан Хоуп ишлатган ва у ўз тишининг суратини интернетга жойлаган. Сурат муаллифи унинг сифатсизлиги учун узр сўради ва бу селфи эканлигини тушунтирди. Ўзини суратга олиш 2010 йил охирига келиб машҳур бўлди. 2013 йилда "селфи" сўзи ёшлар жаргонидан Оксфорд луғатига кўчиб ўтди.

Селфи "эпидемия"си инсон кўп вақтини ўзини суратга олиш ва ижтимоий тармоқларга жойлаштиришга сарф-

лашга олиб келди. Дўстлар билан дийдорлашув, оилавий саёҳатлар, кино театр, кўргазмалар томошаси вақти инсонлар оқибат, табиат манзараси ва санъат асарларидан эмас, смартфондан кўпроқ завқ олишга ўтиб олганлар.

Техасда роботлар хизмат кўрсатадиган илк McDonald's иш бошлади. Унда роботлар ишчилар ўрнини эгаллаб, буюртмалар қабул қилади ҳамда вақтида айтилган таомни келтиради. Бу билан хизмат кўрсатиш тезлиги сезиларли даражада ошади.

Айни пайтда ресторан синув тартибида ишламоқда. Унда ҳозир одатий овқатланиш жойлари мавжуд эмас, мижозлар муассаса ичидаги сенсорли киосклардан ёки олдиндан буюртма бериш функцияси орқали фойдаланишлари мумкин.

Лойиҳа айрим экспертлар томонидан танқидга учрамоқда. Уларнинг айбловларига кўра, роботнинг иш жараёнига кенг кириб келиши ишсизлик ёки ходимлар ойлигининг пасайиб кетиш муаммосини келтириб чиқариши мумкин.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



Vaziyat

газетаси

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқуллодда
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЮНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба кўни чиқади.
Топширил. вақти 15:00
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:
Б. ВАЛИЕВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтариқмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуктаи назаридан фарқланиши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаи
қўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
ағъалиида 2007 йил
3 январда 0099-рақам
билан рўзнома бўлишидан
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри
Кичик ҳалқа йўли, 4-йў.
Тел: (71) 231 96 71
Тел/факс: (90) 016 87 67

Индекс:
якка бўлганлар ва
ташқиқотлар учун 382

Газета
"BLISSLESS PRINT DESIGN"
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри
Сўғалли ота қўчаси, 5-йў.
Буюртма й
Бўлим АЗ, ҳажми 2,0 ёл
Адади 6630 нуска